# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2020 йил 27 декабрь, № 274 (7776) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

**Бу йилги пандемия келтирган қийин вазиятда ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади. Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, узоғини яқин қилишга қаратилган улкан лойиҳалар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Бугунги шукуҳли кунларда унинг яна бир муҳим бўғини — Сергели йўналиши ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни ушбу транспорт объектини бориб кўрди. Шу ерда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан дилдан мулоқот бўлди.

**— Бу йил иқтисодиёт учун, одамларимиз учун қийинчиликлар кўп бўлди, ҳозир ҳам давом этяпти. Лекин шу мураккаб ҳолатларни иложи борича юмшатиш бўйича ҳар куни бамаслаҳат ишлаяпмиз. Иқтисодиётни ривожлантириш, бозор топиш, одамларга даромад манбаи яратиш йўлларини излаяпмиз. Ҳамма масалалар маҳаллабай ҳал қилинади. Нимага? Яхшимиз ҳам, ёмонимиз ҳам маҳаллада, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, энергия қувватларини кўпайтириш бўйича кўрилаётган чоралар айтиб ўтилди.

**— Оммавий ахборот воситаларига раҳмат. Улар давлатимизга душман эмас, дўст. Улар баланд овозда адолатни, ҳақиқатни айтиб турмаса, раҳбарларнинг дарров оёғи ердан узилиб қолади. Халқимиз, уйингга эски тўнингни илиб қўйиб, кимлигингни унутма, деганидек, ҳамма раҳбарлар шу элнинг фарзанди, вакили эканини доим ёдда тутиши керак. Юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиб, халқимизга муносиб шароит яратишимиз зарур, — деди Президент.**

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга поездда юриб, йўловчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Дунёнинг мегаполис шаҳрига айланиб бораётган Тошкент Марказий Осиёнинг ҳудуди ва аҳоли сони бўйича энг катта шаҳри ҳисобланади. Бугунги кунда пойтахтимизда уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳар йили юз минглаб аҳоли мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан пойтахтимизга келиб-кетади, қўшни давлатлар ва узоқ хориж юртларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюради.

Бу эса ўз-ўзидан шаҳримиз транспорт тизимини ривожлантириш, аҳоли учун қулай, хавфсиз ва тезкор жамоат транспортини шакллантиришни тақозо этаяпти. Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида аҳоли учун жамоат транспортини кескин ривожлантириш ва халқаро талабларга мос транспорт тизимини яратишга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, ер ости ва ер усти метрополитени йўналишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Сергели ер усти метро йўналишини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди.

Узунлиги 7 километрлик мазкур темир йўлда бешта бекат барпо этилган. Метрополитеннинг “Олмазор” бекати билан оралиқда 580 метрлик туннел қурилиб, ер усти ва ер ости йўллари боғланган.

Бекатлар миллий дизайн асосида пардозланган, замонавий технологиялар, электрон тўловли турникетлар, эскалатор ва лифтлар билан жиҳозланган. Бу йўналишда 214 нафар ходим йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Ушбу йўналишда кунига 35 мингтагача одам қатнаши мумкин. Шу боис у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан улкан аҳамиятга эга. Масалан, Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи автомобиль йўли аксар ҳолларда тирбанд бўлади. Оқибатда ёқилғи сарфи ортиб, атмосферага катта миқдорда зарарли газлар чиқади. Одамлар манзилига кечикиб, асабийлашади. Янги ер усти метроси эса аҳолига жуда катта қулайлик яратади.

Охирги бекатда ушбу Сергели йўналишини Қўйлиқ йўналиши билан боғлаш, ер усти метросининг кейинги босқичларини қуриш бўйича таклифлар тақдимот ўтказилди.

**— Илгари Сергелига метро келишини биров тасаввур қилганмиди?! Мана, энди халқимизга катта қулайлик пайдо бўлди. Яна бир томони, бу экологик тоза транспорт. Кейинги метро йўлларини ҳам аҳолига маъқул, қулай, хавфсиз, сифатли қилиб қуриш, хориж тажрибасини ўрганиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.**

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Мавжуд бекатларнинг кириш ва чиқиш ҳудудлари ўзига хос ранг-баранг меъморчилик асосида барпо этилган. Айниқса, перрон қисмига ишлатилган қурилиш маҳсулотлари қурилиши, ранги ва тури бўйича бир-бирини такрорламайди. Йўловчилар учун ҳам катта қулайликлар яратилган. Хусусан, имконияти чекланганлар учун бекатлар платформасида хавфсиз тактил плиткалар ётқизилган. Йўловчиларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эса бекатларга замонавий видеокузатув ускуналари, IT русумдаги турникетлар ҳамда электр энергиясини тежайдиган ёритиш чироқлари ўрнатилган. Шунингдек, мобиль алоқа ускуналари учун кувватлагичлар ҳам бор. Ҳар бир бекат 12 тагача хорижда ишлаб чиқарилган замонавий иситиш ва совутишга мўлжалланган кондиционерлар билан жиҳозланган.

Мутахассислар фикрича, бугунги кунда шаҳримиз жамоат транспортидан бор-йўғи 33 фоиз йўловчи фойдаланмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида эса бу кўрсаткич 60 — 70 фоизни ташкил этади. Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Охирги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар-га ошган. Шунга мос равишда жорий йил фойдаланишга топширилган Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида 2 та бекат ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилгани натижасида жамоат транспортида 56 та йўналиш мақбуллаштирилиб, 170 минг аҳолининг транспорт хизмати янада яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ҳам ўртача 15-20 дақиқага қисқарди.

Янги очилган Сергели ер усти метроси Сергели ва Янги ҳаёт туманларида истиқомат қилаётган аҳоли учун жуда катта қулайлик бўлади. Мазкур туманларда транспорт инфратузилмасини янада яхшилашга имкон яратилади.

— Болалигим Сергели туманида ўтган. Ҳозир ҳам ушбу тумандаги кўп қаватли уйларнинг бирида, яъни Сергели метросининг 2-3-бекатлари оралиғида истиқомат қиламан, — дейди Дилафрўз Қорабоева. — Энди шаҳар марказидаги иш жойимга шахсий машинамда эмас, метрода қатнайман. Чунки ҳар куни эрталаб соат 07:00 дан 09:30 гача, кечга яқин эса соат 16:00 дан 20:00 гача автомобиль йўллари жуда тирбанд бўлади. Айни шу вақтда ишга бориб-келишимга тўғри келади. Бабзида ноқулай об-ҳаво ҳукм сурса, ҳаракатланиш янада қийинлашади. Натижада ҳар куни 2-3 соат вақтим йўлга сарф бўлаяпти.

Албатта, Сергели ва Янги ҳаёт туманларида ҳам аҳоли сони кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис шаҳар маркази билан боғланган автомобиль йўлларида кун сайин тирбандлик ортиб боряпти. Ушбу туманлар аҳолисини қулай ва хавфсиз транспорт тизими билан таъминлашни эса даврнинг ўзи тақозо этаётган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, Сергели янги метро йўналишининг 5-бекатидан йўлга чиққан йўловчи “Буюк ипак йўли” бекатига ўртача 30 — 40 дақиқада етиб бориши мумкин. Бунинг учун метро поезди 16 та бекатни босиб ўтади. Бошқа транспортда эса тирбандлик пайтида бир соатдан кўп вақт кетади.

Яна бир қулайлик жиҳати Сергели йўналишида ҳаракатланган поезд Чилонзор йўналишининг “Олмазор” бекати орқали “Пахтакор” бекатидан Ўзбекистон йўналишининг “Алишер Навоий”, “Амир Темур хиёбони” бекатидан эса Юнусобод йўналишининг “Юнус Ражабий” бекати билан боғланади. Натижада ушбу йўналиш Тошкент метрополитенининг барча йўналишлари билан боғланиб, йўловчилар шаҳримизнинг истаган ҳудудига етиб бора олишига имкон яратади.

Пойтахтимизда аҳоли зич яшайдиган Қорақамиш, Ибн Сино, Тошкент трактор заводи мавзеларида жамоат транспорти тизимини яхшилаш, автобус йўналишларини мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ер усти метроси тагидаги спорт майдончаси ҳам кўздан кечирилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели тумани Қипчоқ кўчасида қурилган кўприкни бориб кўрди.

Мазкур кўча “Тошкент — Ангрен” темир йўли билан кесишган. Бунинг устига тор бўлиб, автомобиллар ҳаракатига қийинчилик туғдирарди. Шу боис Қипчоқ кўчаси 8 қаторли қилиб кенгайтирилиб, темир йўл устидан ўтувчи 772 метрлик кўприк барпо этилди. Унинг эстакада қисми 445, эни — 28 метр.

Давлатимиз раҳбари объектнинг сифати, шаҳарда транспорт тизимини яхшилашдаги аҳамияти алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу кўприк соатига 12 мингтагача автотранспорт воситаларини узлуксиз ўтказиш имкониятига эга. Энг муҳими, у пойтахтимиздаги иккита йирик кўча — Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа йўлини боғлайди. Бу ҳайдовчилар учун анча қулайлик яратади, минглаб транспорт воситалари оқимини ўзига олиб, бошқа кўчаларда тирбандликни камайтиради.

**— Пандемия бошланганда биз ундан кучли, кудратли бўлиб чиқамиз деб мақсад қўйган эдик, — деди Шавкат Мирзиёев тошкентлик фаоллар билан суҳбатда. — Ҳаммамиз кўряпмиз дунёда нималар бўлаётганини. Бошқа мамлакатларда қурилишлар тўхтаб қолган ҳолатлар ҳам бўлди. Халқимиз тартиб-интизом, бирдамлик билан барча режаларни рўёбга чиқармоқда. Биз ҳамжиҳатликда кўп нарсаларга қодирмиз.**

Президентимиз жорий йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Келгусида янги йўл барпо этилиб, Қипчоқ кўчасидаги мазкур кўприкка туташади.

Шу ерда Туркиянинг “Kalyon” компанияси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, транспорт ва йўловчилар ҳаракати учун қулайликларни ошириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

*Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,*
*Абдулазиз МУСАЕВ,*
*ЎзА мухбирлари.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Мамлакат тараққиётининг янги пойдеворини яратишда фидойилик ва ташаббускорлик муҳим

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти, аҳамиятига тўхталиб, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда фидойи ва ватанпарвар ёшларнинг фаол иштироки, муносиб ҳиссаси борлигини таъкидладилар.*

3

## ЁШЛАР — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ ВА ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Жараён

*Президентимиз шу йил аввалида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”, дея таъкидлаган эди.*

*Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари, тараққиётнинг янги чақириқларига муносиб жавоб бериб, дунёга юз тутаётган мамлакатимиз ёшлари учун катта далда ва мадад бўлди.*

4

## Эътироф

### Халқаро экспертлар:

### Ўзбекистон Президентининг мамлакат ёшларига мурожаати ёш авлодга нисбатан умуммиллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берди

*Хориж сиёсий, ижтимоий ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25 декабрь куни Ёшлар форумидаги иштироки ва нутқини юқори баҳолаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.*

**Солиҳ ЙИЛМАЗ, Россия ва МДҲни ўрганиш институти директори (RusEN), профессор:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумидаги иштироки қатор сабабларга кўра алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёда демографик салоҳияти ўсиб бораётган етакчи давлат бўлиб, аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Иккинчидан, ёшлар — бу алоҳида ёш тоифаси ва ижтимоий гуруҳдир. Ёшлар сиёсати бутун дунёда катта аҳамиятга эга, чунки келажак ёш авлодга, у қандай тарбия топишига боғлиқ.

Ўзбекистон раҳбарияти ўсиб келаётган ёш авлодга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус буни ёрқин ифода этади. Мазкур таклиф Ўзбекистон раҳбари нафақат ўз мамлакати ёшлари ҳақида гамхўрлик қилаётгани, балки глобал дунёқарашга эгалиги ва бугунги замон етакчиларининг келажак авлодлар олдидаги масъулиятини яхши англашини кўрсатади.

Давлат раҳбари мамлакат тарихидаги биринчи йирик ёшлар тадбирини ўтказиш ташаббусини жорий йил 20 ноябрь куни илгари сурган эди. 18 декабрь куни пойтахтда бошланган форум тадбирлари республиканинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олди.

2

## Акс садо

### «БЎЛҒУСИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА БОР КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТАМИЗ»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 25 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.*

*Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви ҳар доимгидек ортиқча баландпарвозликлардан холи, очиқ ва самимий руҳда ўтди. Унда қатнашган ҳар бир ёш, шубҳасиз, ўзи учун, келгуси фаолияти учун энг муҳим жиҳатларни белгилаб олди.*

*Буни тадбирда иштирок этган ёшларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

2

## «Халқ сўзи» учун махсус

### Хитой элчиси Цзян Янь:

### ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ДОНИШМАНДЛИГИ, МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ, ҚАТЪИЯТИ ВА БИРДАМЛИГИ САМАРАСИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИККА ЎТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ

Янги йил арафасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзян Янь “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, келгуси йилда уни янада ривожлантириш режалари ва истиқболлари ҳақида сўз юритилади.

**— Элчи хоним, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги 2020 йилги ҳамкорлик натижалари тўғрисида сўзлаб берișса розилик бергангиз учун миннатдорлик изҳор қиламиз. Ўтаётган йил коронавирус пандемияси оқибатида бутун дунё учун қийин ва синовли бўлди. Шу сабабли суҳбатни ушбу вазият Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ривожига қандай таъсир кўрсатгани ҳақидаги саволдан бошламоқчимиз. Хитой коронавирусга қарши қандай кураш олиб борди ва мамлакат Ўзбекистон билан бу борадаги қандай тажриба ва имкониятларни ўртоқлашиши мумкин?**

— Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йил бутун дунё ва Хитой — Ўзбекистон муносабатлари учун қийин давр бўлди.

2

**Юксак мақсадлар йўлида сиз — ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## Халқаро экспертлар:

# Ўзбекистон Президентининг мамлакат ёшларига мурожаати ёш авлодга нисбатан умуммиллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берди

⬅ 1

Воқеаларга бой бўлган дастур йигит-қизларга вазирлар ҳамда ҳокимлар билан очиқ мулоқот қилиш, ҳукумат ва давлат органларининг вакиллари билан учрашиш, экспертлар ва мутахассислар билан мунозараларда қатнашиш имкониятини берди. Ўзбекистон Президентининг форумдаги иштироки ва ундаги нутқи мазкур муҳим тадбирнинг ўзига хос мантиқий якуни бўлди, давлат ёшлар сиёсатининг янги босқичига асос яратди.



Ушбу тарихий воқеа ва Ўзбекистон Президентининг мамлакат ёшларига мурожаати ёш авлодга нисбатан миллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Мамлакат раҳбари аниқ ташаббусларни илгари сурди, яқин келажак учун устувор вазифаларни белгилаб берди. Мухтасар айтганда, давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос "Йўл харитаси"ни тузди. Президент Шавкат Мирзиёев ёшларни умуммиллий тараққиёт йўлидаги режалар, ҳаётбахш интилишларни амалга оширишда сафарбар бўлишга ундовчи ўзига хос манифестни тақдим этди.

**Муҳаммад ТАЛЪАТ, "Ҳивар" ("Мулоқот") ахборот-сиёсий тадқиқотлар маркази директори ўринбосари (Миср):**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар масалаларига бўлган юксак эътибори таҳсинга сазовор. Хусусан, давлат раҳбари 2017 йил июнь ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиққан эди.

Ўша йили август ойида "Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжатга асосан, ҳар йили мамлакатнинг истеъдодли ёшлари маданият, таълим, илм-фан, тиббиёт, спорт, санъат, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги эришган ютуқлари учун "Мард ўғлон" мукофоти ҳамда ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, халқ манфаатлари йўлида садоқатли хизматлари, Ватаннинг обрў-эътибори ва шон-шуҳратини оширишга қўшган ҳиссаси учун "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланиши ёш авлод вакилларига бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг юксаклигидан далолат беради.

Шунингдек, 2019 йил июнь ойида "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожланиш истиқболлари" мавзуидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши ёшлар масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг тасдиғи бўлди.

Жорий йил август ойида ташкил этилган "Ёшлар — 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзуидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми резолюциясининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЕХҲТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ва хорижий давлатларнинг вакиллари иштирокида қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур форумда Ўзбекистон Президенти 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида тақдим этган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббус халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг соҳа мутахассислари билан мувофиқлаштирилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакат раҳбариятининг ёшларга бўлган эътибори нечоғли жиддийлигини кўрсатади.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форуми давлат сиёсатининг барқарорлигидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг ўсиб келаётган авлоднинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, сиёсий, илмий, маданий, маънавий ва интеллектуал қобилиятини ошириш, спортдаги ютуқларини янада юксак марраларга чиқаришга бўлган эътибори бошқа давлатлар раҳбарларига намуна бўлишга лойиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Осиё олимпия кенгашининг қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳри 2025 йил Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиши муносабати билан Ўзбекистон халқини бу улкан ютуқ билан табриклайман.

**«Дунё» АА.**

# «БЎЛҒУСИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА БОР КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТАМИЗ»

⬅ 1

**Донохон АҲАТОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси:**

— Ушбу нуфузли форум беқиёс таассуротларни туҳфа этди. Президентимиз билан очиқ ва самимий мулоқот ёшлар ҳаётидаги кўплаб масала ва муаммоларни ҳал этиш имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилдан бошлаб ҳокимлар ёшлар олдида ҳам мурожаат қилиши бўйича вазифаларни белгилаб берди. Бунинг аҳамияти шундаки, энди ёшлар масаласи билан шуғулланиш тизимли амалга оширилади.



Форумда айтилган фикр ва ташаббуслардан руҳланиб, мен ҳам ўз таклифимни билдирдим. Бугунги кунда раҳбарларнинг ёшлар билан мулоқотни йўлга қўйиши давр талаби эканлигидан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситаларида, жумладан, "Ёшлар" телеканалида вазирлар, ҳокимлар ва ёшлар жонли суҳбатлари акс этган махсус кўрсатувлар, ток-шоуларни кўпайтириш кераклигини айтдим. Президентимиз ушбу таклифимни қўллаб-қувватлади, бундан жуда хурсандман.

Халқимиз мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор мақсад сари дадил интилмоқда. Юртбошимиз бу йўлда биз, ёшларнинг фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшишимизга юксак ишонч билдирди. Ўзбекистон ёшлари номидан айта оламанки, бўлғуси Ренессанс пойдеворини яратишда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Аббос ШОМАНСУРОВ, ёш ҳунарманд:**

— Форум ҳаётимизда янги саҳифа очди, десам, муболаға бўлмайди. Президентимиз ўз нутқида мутасаддиларга биз, ёшларнинг ўқиш ва ишлашимиз, жамиятда ўз ўрнимизни топишимиз йўлида келгуси йилдан бошлаб амалга ошириладиган қатор таклиф ва топшириқларни берди.

Очиқ мулоқотда соҳадаги муаммолар ҳам аниқ айтилди. Жумладан, "Ҳунарли киши хор бўлмас", дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтларда фарзандларимизнинг уста-ҳунармандлар қўлида касб-ҳунар ўрганишига етарли эътибор бермай қўйдик. Ваҳоланки, устоз кўрган ўғил-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилади, ҳаётда уларнинг кўмаги билан ўз ўрнини топади. Шу боис ҳудудларда "Устоз — шогирд" анъанасини янада кучайтирсак, ўйлайманки, нур устига аъло нур бўлади", деди давлатимиз раҳбари.

Бу гапдан тўлқинланиб кетдим. Чунки мен ҳозирги кунда унутилиб бораётган хаттотлик ва китобат санъати билан шуғулланаман. Бундай санъат асарларининг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бутун дунёда ҳунармандчилик-



нинг бу турига қизиқиш юқори. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу санъатни оммалаштириш, жаҳонга кўрсатиш, соҳада "Устоз — шогирд" анъанасини янада кучайтириш мақсадида махсус мактаб ташкил қилмоқчи эканлигимни айтиб, бунинг учун пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази ёнида ташкил этилаётган ҳунармандлар шаҳарчасидан жой ажратишларини сўрадим. Давлатимиз раҳбари мурожаатимни тинглаб, ижобий баҳолади.

**Зулфира НЎЪМОНОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**



— Юртбошимизнинг ҳар бир сўзи бизга шукуҳ, беқиёс илҳом бахш этди. Бу ҳар биримизни янги марраларга ундаши тайин.

Бугун жамиятнинг қай жабҳасига қараманг, ёшлар сидқидилдан меҳнат қилаётганини, ўз иқтидор ва салоҳиятини юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар этаётганининг гувоҳи бўламиз. Хоҳ у спорт, хоҳ санъат ёки илм-фан соҳаси бўлсин, ёшларимиз хориж ёшлари билан тенгма-тенг рақобатга киришмоқда, баъзи йўналишларда, ҳатто уларга ўрнак ҳам бўлишяпти. Лекин халқимиз, Президентимиз биздан янада кўпроқ натижаларни кутмоқда. Бу умид ва ишончга муносиб бўлиш масъулияти ҳар биримизни доимо ҳаракатга келтириб, фақат олдинга интилишга туртки бериб туриши лозим.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод ҳаётини янада мазмунли қилиш мақсадида илгари сурилган беш муҳим ташаббусни изчил давом эттириш, нафақат давом эттириш, балки уни янги даражада ривожлантириш бўйича мутасаддиларга берган топшириқларидан беҳад қувондим. Чунки биргина китобхонликнинг ҳаётимиздаги ўрни жуда катта. Китоб билимимизни ошириб қолмай, маънавий оламимизни бойитади, гўё маёқ мисоли бир умр йўлларимизни ёритиб туради.

**Бобур РАЖАБАЛИЕВ, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети магистри:**

— Мен бу учрашувдан ўзим учун беқиёс куч ва руҳий қувват олдим. Юртбошимиз томонидан айтилган гаплар, фикрлар қулоқларимиз остида ҳали-ҳамон жаранглаб, юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Президентимиз учрашувда ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлашини таъкидлади. Бу биз, ёшлар учун шараф, айни пайтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Ҳеч бир мамлакат илм-фансиз ривожлана олмайди. Шу боис ҳам юртимизда таълим, илм-фан соҳаларини юксалтириш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янгидан-янги олий ўқув юртлари, Президент ва ижод мак-



таблари, математика, химия, биология фанлари бўйича махсус мактаблар ташкил этилмоқда. Бизнинг университетда ҳам ёш олимларнинг илм-фан билан шуғулланиши учун барча зарур шароит муҳайё. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, саноат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш бўйича олиб бораётган тадқиқотларим натижалари юртимиз ва чет эл илмий журналларида чоп этилмоқда. Келгусида бу борадаги ишларимни янада шижоат билан давом эттираман. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик.

**«Халқ сўзи».**

## Хитой элчиси Цзян Янь:

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ДОНИШМАНДЛИГИ, МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ, ҚАТЪИЯТИ ВА БИРДАМЛИГИ САМАРАСИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИККА ЎТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ



⬅ 1

Масалан, жорий йил учинчи чорак якунлари бўйича Хитой — Ўзбекистон савдо айланмасида Хитойнинг етакчи мавқеи сақланиб қолганига қарамасдан, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзаро савдо ҳажми 17 фоиз камайган. Икки мамлакат ўртасида йўловчилар ҳаво қатнови узоқ муддатга тўхтатилди ва шу кунгача ҳали тўлиқ тиклангани йўқ. Кўплаб қўшма тадбирлар бекор қилинди ёки қолдирилди.

Юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, Хитой ва Ўзбекистон пандемиянинг ўзаро муносабатлар ривожига салбий таъсирини бартараф этиш учун биргаликда саъй-ҳаракатлар қилди. Раис Си Цзиньпин ва Президент Шавкат Мирзиёев ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда пандемия шароитида кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ва Хитой — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб олдилар. Икки мамлакат раҳбарлари томонидан эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида томонлар коронавирусга қарши кураш ва иқтисодиётни тиклашда самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Хитойнинг коронавирус инфекциясига қарши курашидаги оғир бир босқичда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб инсонпарварлик ёрдами юборди. Ўзбекистонда вирус юқтирилишининг биринчи ҳолатлари аниқланиши билан Хитой ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди, моддий ёрдам кўрсатди ва тиббий экспертлар гуруҳларини ўзбек томонининг COVID-19 тарқалишига қарши саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун юборди. Бугун вакцина соҳасида ўзаро яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган — яқинда Тошкентда Хитой мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган коронавирусга қарши вакцина клиник синовларининг учинчи босқичи бошланди.

Яна бир нечта мисол келтирмоқчиман. Коронавирус инфекциясидан кўрилган зарарни камайтириш ва қўшма лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистонга 1 500 дан ортиқ хитойлик мутахассислар келиб, мамлакат иқтисодиётини тиклашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хитой халқаро импорт кўргазмасида Ўзбекистон маҳсулотлари яна намойиш этилди ва улар хитойлик шерикларда катта қизиқиш уйғотди. Қишлоқ хўжалиги, транспорт, фан ҳамда технологиялар, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда янги марралар забт этилмоқда. Мухтасар айтганда, қўшма саъй-ҳаракатлар самарасида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари пандемия синовидан муваффақиятли ўтди, улар соғлом ва барқарор суръатда ривож топмоқда.

Маълумки, Хитой дунёда биринчи бўлиб пандемия зарбасига дуч келди, эпидемия бошланишидан икки ой ўтгач, вазиятни назоратга олди. Ушбу ўта хавфли касалликка қарши самарали курашиш учун фавқулодда вазиятларда энг юқори даражадаги чоралар жорий этилди. Инфекцияни эрта аниқлаш, уни юқтириш ҳолатлари тўғрисида дарҳол хабар бериш, ўз вақтида карантин жорий этиш ва беморларни даволаш учун тактик ечимлар ишлаб чиқилди. Аҳолида коронавирусни аниқлашни ташкил қилиш учун улкан кучлар сафарбар этилди. Ҳукуматнинг турли даражадаги тизимлари, тиббиёт буюмлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, шифокорлар, олимлар ва кўнгиллилар узлуксиз меҳнат қилди. Ҳукуматнинг чақириғига биноан аҳоли карантин талабларига қатъий риоя қилди, ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни мунтазам ювиш ва бошқа чора-тадбирларни сўзсиз бажарди. Бу омилларнинг барчаси Хитойнинг пандемия устидан ғалаба қозонишининг калитига айланди.

Бугун биз Хитой вакцинасининг Ўзбекистондаги клиник синовлари жараёнини диққат билан кузатмоқдамиз. Синовлар кутилган натижани бериши, вакцина пандемияга қарши кучли қуролга айланиши ва имкон қадар тезроқ нормал ҳаётга қайтишимизга ёрдам беришига умид қиламан.

**— Эришилган натижаларга асосланган ҳолда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Мамлакатларимиз дўстлик муносабатлари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун қатор афзалликларга эга. Чуқур тарихий алоқалар, географик яқинлик, давлат ривожланишининг ўхшаш тушунчалари, шарқона менталитет соҳиблари бўлган оддий ва меҳнатсевар халқлар ҳамда бошқа жиҳатлар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси ўзаро самарали шерикликни ривожлантириш учун ишончли пойдевор яратди. "Бир макон, бир йўл" лойиҳасининг амалга оширилаётгани ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар янги даврда ўзаро алоқаларни ривожлантиришга кучли туртки берди. Икки мамлакат иқтисодиётларини ўзаро тўлдирадиган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ҳамкорликнинг улкан салоҳияти очилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой халқаро ЭКСПО кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо, сармоялар, транспорт йўлакларини барпо этиш, саноат модернизацияси, рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат, пандемияга қарши кураш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор амалий таклифларни илгари сурди. Ушбу соҳалар икки томонлама муносабатларда энг истиқболли бўлиши мумкин. Шунингдек, инновация ва илмий-технологик тараққиёт ҳам мамлакатлараро ҳамкорликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлишини кутмоқдамиз. Фаолиятимиздаги энг муҳим вазифалардан бири, бу — шерикликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашувни янада чуқурлаштиришдир. Шу муносабат билан таълим, маданият ва бошқа гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш учун кўпроқ имкониятлар яратиш зарур.

**— Хитой ташқи ишлар вазири Ван И 26 сентябрь куни бўлиб ўтган камбағалликни қисқартириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш мавзуидаги юқори даражадаги халқаро видеоконференцияда сўзга чиқиб, 2020 йил мамлакатда ўртача фаровонлик жамиятини қуриш ва қашшоқликни бартараф этиш жараёнида сўнгги йил бўлишини таъкидлади. Хабарингиз бор, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамлар бандлигини таъминлаш, ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон раҳбарининг доимий эътиборида туради. Шу нуқтаи назардан, Хитой тажрибаси Ўзбекистон учун катта қизиқиш уйғотади. Мамлакатларимиз ушбу йўналишда қандай ҳамкорлик қилиши мумкин?**

— Ноябрь ойида Хитойнинг Гуйчжоу вилоятидаги сўнгги тўққизта уезд камбағалликдан халос бўлди. Бу коронавирус пандемиясининг салбий таъсирига қарамасдан, 832 та уезд "қашшоқ уезд" ёрлиғидан қутулганини англатади. Натижада мамлакат олдида 2020 йил охиригача қашшоқликни бартараф этиш бўйича турган миллий вазифа тўла бажарилди.

Тараққиёт Хитойда камбағалликка барҳам беришнинг калити бўлди. Хитой ислоҳотлар ва очиқлик сиёсати бошланганидан буён жадал иқтисодий ривожланиш суръатларини намойиш этди. Бу ўта камбағалликни йўқ қилиш бўйича кенг кўламли дастурни бажариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратди. 2012 йилдан бери ҳар йили Давлат бюджетидан камбағалликка қарши курашиш учун 45 миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратилмоқда. 3 миллионга яқин махсус тайёргарлик кўрган мутахассислар камбағал қишлоқ, туманларга жўнатилди. Чекка қишлоқларни улкан ички ва халқаро бозорлар билан боғлаган янги транспорт, энергетика ва телекоммуникация инфратузилмаси яратилгани қашшоқликни бартараф этишда ёрдам берди. 100 мингдан зиёд қишлоқ мактаби капитал таъмирланди, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2013 йилда биринчи марта қишлоқ аҳолисига манзилли ёрдам кўрсатиш ғоясини илгари сурган эди. У камбағалликка қарши курашда мақсадли чоралар кўриш ва уларни маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб, Хитой камбағалликни камайтиришга қаратилган турли ёндашувларни қабул қилди. Молиявий воситалардан фойдаланиш, туризмни ривожлантириш ва камбағал минтақаларда ишлаб чиқарилган товарлардан кўпроқ фойдаланишни рағбатлантириш шулар жумласидандир.

ХХР ташқи ишлар вазири Ван И таъкидлаганидек, Хитой амалиёти қашшоқлик миллий хусусият эмаслиги ва бўла олмаслигини ҳам исботламоқда. Бу мамлакатимиз амалиётида муваффақиятли намойиш этилди. Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг камбағалликни қисқартиришга қаратилган катта эътиборини юксак қадрлаймиз. Бу унинг халқ манфаатларига хизмат қилиш ғоясининг ёрқин ифодасидир. Биз ўз тажрибамизни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашишга тайёрмиз.

**— Хитойнинг замонавий ривожланишини эътиборга олган ҳолда, унинг ички ва ташқи сиёсий устуворликлари ва режаларини амалга ошириш икки томонлама муносабатлар ривожланишига, минтақавий ҳамкорликка қандай таъсир кўрсатиши мумкин?**

— Октябрь ойида Хитой компартияси марказий қўмитасининг 19-чақириқ 5-пленуми бўлиб ўтди. Унинг энг муҳим натижаси — ХКП МҚнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва 2035 йилга қадар узоқ муддатли мақсадларга қаратилган 14-беш йиллик режасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялари кўрилгани ва тасдиқлангани бўлди.

Тавсияларга кўра, 14-беш йилликнинг асосий моҳияти ривожланишнинг янги босқичи, ривожланишнинг янги концепцияси ва ривожланишнинг янги архитектоникаси каби учта янгиликда ўз ифодасини топган. Ушбу беш йиллик давомида Хитой тараққиётнинг янги босқичига ўтади. Унда инновациялар, изчиллик, экологик тозалик, очиқлик ва биргаликда фойдаланиш тамойилларини ўз ичига олган сифатли ривожланишнинг янги концепцияси жорий этила бошланади. Хитой ривожланишнинг "икки айланишли" архитектоникасини шакллантиришни жадаллаштиради. Бу очиқ кўринишдаги иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги даражасига чиқиш мақсадида ички ўзаро муносабатлар устуворлиги таъминланган ҳолда ички ва ташқи алоқаларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатланишини англатади.

Хитойнинг очиқ эшиклари ёпилмаслиги, аксинча, улар янада кенгроқ очилишини таъкидламоқчиман. Мамлакатнинг ўсиб бораётган истеъмол талаби бошқа мамлакатлар учун кенг бозор имкониятларини тақдим этади. Бу очиқ Хитойнинг бутун дунёга, шу жумладан, Ўзбекистонга қандай фойда келтириши мумкинлиги ҳақидаги энг оддий мисоллардан биридир. Сўнгги йилларда "Бир макон, бир йўл" лойиҳасининг биргаликда амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон, умуман, бутун минтақа ҳамкорлигининг локомотивига айланди. Хитойнинг инновацион ривожланиш салоҳияти ошгани сайин "Бир макон, бир йўл" шакллантирилишининг сифати ҳам яхшиланади. Бу, албатта, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

G20, BRICS ва APECнинг яқинда бўлиб ўтган саммитларида ХХР Раиси Си Цзиньпин халқаро ҳамжамиятнинг COVID-19 инфекциясини назорат қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, пандемиядан кейинги дунё тартибини шакллантириш ва глобал иқтисодий бошқарувни кучайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хитой ва Ўзбекистон глобал аҳамиятга эга бўлган кўплаб масалалар бўйича умумий позицияларга эга. Иккала томон ҳам дунёнинг очиқ, инновацион, инклюзив ва яшил ривожланиши, БМТнинг глобал ҳаракатларни мувофиқлаштиришдаги ролини кучайтириш ва кўп томонлама савдо тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватламоқда. Миллий қайта тикланишни орзу қилаётган кўплаб ривожланаётган мамлакатлар сингари бизда мулоқот ва мувофиқлаштиришни кучайтириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

**— Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллигига бағишланган табригида эришилган ютуқлар ва ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаган натижалар ва устувор йўналишлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Мен Ўзбекистон Президенти табригини диққат билан ўқиб чиқдим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида сезиларли натижаларга эришилгани ва мамлакат бутунлай янги қиёфа касб этганига тўлиқ қўшиламан. Демократик сиёсий жараённинг ривожланиб бораётгани, иқтисодий, маданий-гуманитар фаолиятнинг фаоллашаётгани, аҳолига бўлган ғамхўрликнинг ортаётгани ва мамлакатнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори мустаҳкамланаётгани буни тасдиқламоқда.

Президент томонидан белгиланган устувор вазифалар мамлакатнинг барқарор, самарали ва уйғун ривожланиши учун жуда долзарбдир. Ушбу вазифаларнинг ечими давлат қурилиши пойдевори мустаҳкамлигини таъминлайди.

Ўйлайманки, ушбу вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан Хитой ва Ўзбекистон кўплаб манфаатли жиҳатларни топади. Парламентларимиз ва ваколатли органларимиз қонунчиликни такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш, аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда бошқа соҳаларда тажриба ва илғор амалиёт алмашиши мумкин. Халқнинг донишмандлиги, меҳнатсеварлиги, қатъияти ва бирдамлиги туфайли Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги янги Ўзбекистон, албатта, миллий тикланишдан миллий фаровонликка ўтишни муваффақиятли амалга оширишига ишончим комил.

**— Кейинги йилда эпидемиологик вазият барқарорлашгани ва халқаро фаолият босқичма-босқич тиклангандан сўнг қандай қизиқарли маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?**

— Маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан ўзаро алоқалар ва делегациялар алмашинувига боғлиқ. Пандемия туфайли жорий йил Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик соҳасида салмоқли натижалар кам бўлди. Вазият барқарорлашгач, биз маданият, таълим, аёллар ва ёшлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, туризм ва оммавий ахборот воситалари соҳаларидаги ўзаро алмашинувни фаоллаштиришимизга умид қиламан. 2022 йил бошида Пекин қишки Олимпия ўйинларига, Ўзбекистон эса 2025 йил Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига мезбонлик қилади. Ушбу нуфузли тадбирлар спорт соҳасидаги амалий ҳамкорлигимизни кенгайтириш учун яхши асос бўлади.

**— Батафсил ва қизиқарли суҳбат учун ташаккур. Сизни Янги 2021 йил билан муборакбод этамиз, соғлик-саломатлик, бахт ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил арафасида Ўзбекистон ва Хитой халқларига қандай тилаклар изҳор қилишни истайсиз?**

— Янги йил нафақат вақт, балки янги умидлар, муваффақиятлар ва ғалабалар билан боғлиқ тушунча. Хитой халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон билан ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантиришни изчил давом эттиради. Умид қиламанки, янги 2021 йилда биз коронавирус пандемиясини биргаликда енгиб, мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва икки томонлама муносабатларимизда янги ютуқларга эришамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва ўз номимдан дўст Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва тилакларимни изҳор этаман. Янги йилда ҳар бир инсоннинг ҳаётида янги ўзгаришлар юз берсин ва қийинчиликлар ортда қолсин. Барчага чин дилдан бахт, соғлиқ, муваффақият, янги Ўзбекистонга эса тинчлик ва фаровонлик тилайман!

*(Изоҳ: Цзян Янь хоним Янги йил тилакларини ўзбек тилида йўллади. Хитой дипломатик миссияси раҳбари мамлакатимиздаги фаолияти даврида ўзбек тилида сўзлашишни чуқур ўзлаштириб олган).*

**Наргис САИДАЛИЕВА суҳбатлашди.**

**«Дунё» АА.**

# Мамлакат тараққиётининг янги пойдеворини яратишда фидойилик ва ташаббускорлик муҳим

1

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнига ёш авлод вакилларини жалб қилиш, улар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш каби вазифаларни рўёбга чиқаришда Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти олдида турган истиқболдаги режалар ҳақида фикр алмашилди.

Шунингдек, мажлисда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Асосий эътибор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган таклифларга қаратилди.

## Текширувлар кескин қисқаради

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда юртимизда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи 90 та биринчи ва 947 та иккинчи тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, 2019 йилда улардан атиги 558 таси ваколатли органлар томонидан ифлосланиш манбалари мониторинги билан қамраб олинган.

Ваҳоланки, дунёнинг аксарият давлатларида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланишни назоратга олиш мақсадида барча хўжалик юритувчи субъектларга экологик назорат институтининг нодавлат, мустақил махсус тури — экологик аудит қўлланилади. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Италия, Швеция, Нидерландия каби давлатларда экологик аудиторлик фаолияти алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда депутатлар мамлакатимизда экологик аудит соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган — "Экологик аудит тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, халқаро амалиётда аудиторлик текширувининг ижобий натижалари корхонанинг инвестицион жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини режалаштириш, тежамкор технологияларни танлаш, экологик бошқарув тизимини тўғри ва мақсадли йўлга қўйиш имконини яратади.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши мамлакатимизда экологик аудит соҳасидаги янги хизматлар бозорини ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятини давлат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширишларни фақат қонун доирасида ўтказишга ва шу боис текширишлар сони кескин камайишига, пировард натижада эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳамда фуқароларга қулай ва хавфсиз атроф-муҳит яратилишига хизмат қилади.

## Фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш имкони вужудга келади

Депутатлар кун тартибига янги ном билан киритилган — "Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда, бобма-боб муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа биринчи ўқишда "Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси тўғрисида" деган ном билан концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклифлар ҳамда қонунчилик техникасидан келиб чиқиб, унинг қатор моддаларига, жумладан, унинг номланишига ўзгартиш киритилди. Қонун лойиҳасидан ҳаволаки нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

Лойиҳа фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамлаштириш ва инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда географик ахборот тизимлари, веб-порталларни ва навигация хариталарини шакллантириш ҳамда улар ёрдамида аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш, ушбу соҳада хусусий сектор томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг такомиллашишига ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига имкон яратади.

Депутатларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши билан мазкур йўналишдаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш, фазовий маълумотларга кириш (фойдаланиш) ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини яратади, фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланишда идоралараро алоқаларни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан қабул қилинди.

## Деҳқон хўжалигини юритишда нималар ўзгармоқда?

Мажлисда депутатлар деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракциялар ва қўмиталардан келиб тушган бир қатор таклифлар асосида лойиҳа матнига кўплаб таҳририй тузатишлар киритилди.

Қонун лойиҳасида деҳқон хўжалигини юритиш учун 0,06 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда ер участкалари берилиши ва ундан ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиши кераклиги белгиланмоқда. Ердан деҳқон хўжалигининг ихтисослашувида назарда тутилмаган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор ораларига экиш ёки асосий ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини навбатлаб экиш йўли билан етиштириш учун ҳам фойдаланилиши мумкинлиги назарда тутиляпти.

Шунингдек, ушбу ҳужжатга кўра, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида бино ва иншоотлар, шу жумладан, ерости иншоотларини қуриш тақиқланмоқда. Бундан енгил конструкцияли иссиқхона ва бошқа шу каби қурилмалар, шунингдек, суғориш иншоотларини қуриш мустасно. Ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бир вақтда 10 бошдан ортиқ бўлмаган миқдордаги чорва молини ўтлатишга йўл қўйилади. Ўз тасарруфидаги ер участкасидан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолишига йўл қўйилмайди.

Деҳқон хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ихтисослашувга кўра амалга оширилмаган тақдирда, ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади. Бу, депутатларнинг қайд этишича, ердан самарали ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, қонун лойиҳасида деҳқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини даласида, деҳқон бозорларида ва савдо марказларида, шунингдек, аҳоли пунктларида сайёр савдо ташкил этиш йўли билан қўшимча рухсатномаларсиз реализация қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда. Деҳқон хўжалиги томонидан ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олган даромадларига солиқ солинмаслиги назарда тутиляпти.



Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

## Солиқ ихтиёрий тўланади ва меҳнат стажига ҳисобланади

Мажлисда "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда унинг номи ўзгартирилгани муносабати билан тегишли таҳририй тузатишлар киритилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасида шахсий томорқа ер участкаси, шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифодаланмоқда. Чунончи, ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш чораларини кўриш, сув ресурсларидан оқилона ва тежаб фойдаланиш, уй-жой қуриш ҳуқуқисиз ажратилган ер участкаларида бинолар ва иншоотлар қурмаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда экология ҳамда санитария талаблари ва нормаларига риоя этиш шартлиги фойдаланувчи шахсларнинг мажбурияти сифатида акс этмоқда.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг шахсий томорқа ер участкаларида томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва иштироки очиб берилмоқда.

Депутатлар муҳокамалар чоғида томорқа хўжалигидаги меҳнат фаолиятига оид нормага алоҳида эътибор қаратдилар. Унда камида тўрт сотих бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шохли қорамол ёхуд камида 50 та парранда боқаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзоларидан бири йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ижтимоий солиқ тўлаши мумкинлиги белгиланмоқда. Бунда шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзоларидан бири солиқни ихтиёрий асосда тўлайди. Солиқнинг белгиланган миқдорини тўлаш меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида бир йил, деб ҳисобга олинади. Халқ вакилларининг фикрича, бу аҳолининг етарли иш стажига эга бўлишини таъминлаш орқали ижтимоий муҳофазасини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Президент давлат хавфсизлик хизмати фаолияти ва ҳуқуқий асос

Депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Мажлисда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини қонуности ҳужжатлари асосида юритиб келмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини ташкил этиш учун шаффоф ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишига МДҲ иштирокчи давлатлар раҳбарлари кенгаши аъзолари томонидан 2008 йил 10 октябрда имзоланган МДҲ иштирокчи давлатларининг давлат қўриқловига олинган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик келишуви ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Қонун лойҳасида қўриқланиши белгиланган шахсларнинг тоифаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўриқланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари ўз аксини топган. Шунингдек, лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши баробарида, ушбу хизматнинг фаолиятини назорат қилиш тартиби ҳам назарда тутилган.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини МДҲ давлатлари билан имзоланган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш имконини беради.

## Профилактика инспекторларига қандай ваколат бериляпти?

Халқ вакиллари "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни — уйда ҳайвонларни сақлаш, жумладан, уйларда ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун баённома расмийлаштириш орқали жазо чораларини кўриш профилактика инспекторларига берилмоқда. Бунинг натижасида ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдан узоқ масофада жойлашган бошқа ваколатли органлар ёки судларга боришини истисно этган ҳолда фуқароларнинг ортиқча харажат қилиши ва сарсон бўлишининг олди олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар фуқаролар инспекторлар фаолиятидан қаноатланмаса, улар бу ҳақида судга мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларга қўшимча оворагарчилик ва ноқулайликлар туғилишининг олдини олиш, ортиқча қоғозбозликка чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга хизмат қилади.

Қизғин тортишув ва муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

---

**Сенатор ва ҳаёт**

# БАЙРАМ АРАФАСИДА НАРХ-НАВО ОШИБ КЕТМАЙДИ

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда сенаторлар жойларга бориб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, фуқаролар хонадонларига электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш билан боғлиқ жараёнларни ўрганмоқда.*

Хусусан, сенатор Анвар Тўйчиев Сирдарё вилоятининг сектор раҳбарлари билан биргаликда бозорлардаги нарх-наво, Янги йил ярмаркалари ташкил этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганди.

Маълумки, жойларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омборлари, айниқса, музлаткичларнинг мавжудлиги нарх-навонинг мўътадил бўлишида муҳим омил ҳисобланади. Сенатор масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, вилоятда бу борада сўнгги йилларда бир қанча лойиҳалар амалга оширилганига амин бўлди. Масалан, Ховос туманида озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган йирик музлаткич ва омбор ташкил қилингани эътиборга молик.

Ўрганиш жараёнида ҳудудларда гўшт, шакар, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари захираси мавжудлиги ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

— Ҳокимликлар қошида ташкил қилинган махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан бозорларга асосий турдаги маҳсулотларни кафолатли етказиб бериш ҳам нарх-навонинг арзон бўлишини таъминлайди, — дейди сенатор. — Вилоятда ана шу манба ҳисобидан, биринчи навбатда, ўсимлик ёғи ва бошқа зарур маҳсулотларни сотиб олиб, ҳар бир ҳудудда камида уч ойлик захира яратиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли экани маълум бўлди.

Шунингдек, ҳудудларда штаблар ташкил қилинганлиги, бозорларда нарх-наво ошиши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари айланмасини, нарх-навосини, мавжуд эҳтиёж ва талабларни кунлик таҳлил қиладиган идоралараро ишчи гуруҳ тузилгани ижобий самарасини беряпти.

Янги йил байрами арафасида талаб ошишини инобатга олиб, расталарни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш, деҳқон бозорлари ҳамда савдо мажмуаларида ярмаркалар ташкил этиш ва уларга маҳсулотларни арзонлаштирилган нархда етказиб бериш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

---

Сенатор Малика Қодирхонова шу каби масалаларни ўрганиш мақсадида Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларида бўлди.

Чирчиқдаги танишувларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик жараёнидаги иштироки чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, "аёллар дафтари" юритилиши ҳолатлари ўрганилди. Масалан, фуқаро М. Ҳошимова билан бўлган суҳбатда, у набиралари билан ётоқхонада яшаётгани аён бўлди. У "темир дафтар"да рўйхатда туришини, ҳаётини яхшилаш учун тадбиркорлик қилмоқчи эканини билдирди. Шундан келиб чиқиб, М. Ҳошимовага тикув машинаси ҳадя қилинди. Унинг қарамоғидаги икки нафар вояга етмаган набирасига Янги йил байрами муносабати билан совғалар топширди.

Сенатор Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларидаги ўрганишлар жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда аҳоли хонадонларини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўрилгани билан қизиқди.

Аҳоли билан мулоқотлар чоғида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан сектор раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОЛАРИГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛЯПТИ?

*Аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш, бу борада йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг асосий йўналишига айланган.*

Айни йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилар экан, бу жараёнда халқ вакиллари ҳам фаоллик кўрсатаётир. Зеро, ҳудудлардаги учрашувлар, сайёр қабуллар чоғида ҳам энг кўп мурожаат сифатли ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ эканлиги маълум бўлмоқда. Гап шундаки, баъзи қишлоқларда бир пайтлар ичимлик суви қудуғи қазилиб, механик босим билан чиқадиган сув миноралари қурилган. Аммо бугунги кунда улар сув чиқармай қолган.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуғани Сангинов аҳолини қийнаб келаётган бундай муаммоларга ижобий ечим топиш мақсадида Сариосиё, Узун ҳамда Денов туманларидаги қатор маҳаллаларда артезиан қудуқлари қазилиши ҳамда яроқсиз ҳолга келиб қолган сув иншоотлари таъмирланишига яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, бу йил биргина Денов туманидаги 35 та маҳаллада шундай бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бунинг учун 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Кўп йиллардан буён сифатли ичимлик сувидан қийналиб келардик, — дейди Денов туманидаги "Шаҳринав" маҳалла фуқаро йиғини раиси Абдусаттор Раҳматуллаев. — Дастлаб, яроқсиз, ишламай қолган артезиан қудуғи тозаланди, бир дона янги насос ва сув минораси ўрнатилди. Натижада маҳалламиздаги қарийб мингга яқин хонадонларга тоза ичимлик суви кириб борди.

Денов туманидаги "Янгиобод" МФЙда истиқомат қилувчи 3 минг 900 нафар фуқаронинг ичимлик суви борасидаги муаммоси ҳам ижобий ҳал этилди. Маҳаллага янги сув минораси, насос комплекти, сув олиш жўмраклари келтириб ўрнатилди.

Бундай хайрли ишлар тумандаги Чим, Дунётепа, Қовунлисой каби ўндан ортиқ маҳаллада ҳам амалга оширилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ ВАКАНТ (БЎШ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: профессор — 1 ўрин.
2. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: доцент — 1 ўрин.
3. Хореография кафедраси: доцент —1 ўрин.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимнинг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**
**Телефонлар: 71-215-55-94, 71-215-56-98.**

**«Ўзметкомбинат» АЖ қуйидаги объектларини танлов асосида сотишини эълон қилади.**

1. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 39-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3200 кв.м.дан иборат бўлган «Бекобод Траст бизнес» ШК универсал улгуржи савдо базаси биноси.
***Бошланғич баҳоси — 554 868 100 сўм.***
**2.** Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Тақачи» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 26 955 кв.м.дан иборат бўлган ферма биноси.
***Бошланғич баҳоси — 2 053 603 300 сўм.***
**3.** Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Ойдин ҳаёт кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3000 кв.м.дан иборат бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.
***Бошланғич баҳоси — 610 766 000 сўм.***
**4.** Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Телов маҳалласи, Сартошсой ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 203 746 кв.м.дан иборат бўлган «Оҳангарон» (Титов) номли болалар оромгоҳи.
***Бошланғич баҳоси — 1 608 709 700 сўм.***

«Ўзметкомбинат» АЖ асосли сабабларга кўра нархни тенг қисмга тўлаш билан объектларни қисмларга бўлиб сотиш имкониятини кўриб чиқиши мумкин.

Объектларни танлов асосида сотиб олиш бўйича таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2021 йил 4 январь соат 15.00 гача.

Юқорида кўрсатилган объектларни сотиб олиш учун Бекобод шаҳри. Сирдарё кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзметкомбинат» АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: 70-214-09-10.
Электрон сайтимиз: www.uzbeksteel.uz
Электрон почта: info@uzbeksteel.uz

**«Ўзметкомбинат» АЖга қарашли бўлган қуйидаги объектлар очиқ аукцион савдоси орқали сотувга қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, «Ўзбекистон» МФЙ, Сирдарё кўчасида жойлашган «DONATA PHARMA» МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 9 479 $м^2$.
***Бошланғич баҳоси — 39 473 587 384 сўм.***
**2.** Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Шовот» ҚФЙ, Соҳибкор қишлоғи ҳудудида жойлашган «УМК ЯНГИОБОД ЧОРВА» МЧЖ (қўйчилик фермаси), умумий ер майдони 13,18 га; (қўшимча чорвачилик учун 409,24 га. ер 40 йил муддатга ажратиб берилган).
***Бошланғич баҳоси — 9 664 260 376 сўм.***
**3.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Навоий маҳалласида жойлашган «БЕКОБОД-УМК-ПАРРАНДА» МЧЖ (Паррандачилик ва чўчқачилик фермаси), умумий ер майдони 4,8 га.
***Бошланғич баҳоси — 10 466 393 210 сўм.***
**4.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 1-уйда жойлашган «BEKOBOD G'ISHT INVEST» МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 9,16 га.
***Бошланғич баҳоси — 11 448 133 000 сўм.***
**5.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 266-уйда жойлашган «Avtobus taksi saroyi» МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 3,9 га.
**Бошланғич баҳоси — 11 065 399 000 сўм.**
**6.** Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Илғор» МФЙда жойлашган Балиқчилик хўжалиги, умумий ер майдони 10,2 га. (ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури: ижара, фойдаланиш муддати: 49 йил).
***Бошланғич баҳоси — 3 990 275 000 сўм.***
**7.** Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Оқтепа» МФЙ, Обиҳаёт кўчасида жойлашган «UMK BEKOBOD CHORVA» МЧЖнинг мол-мулки, умумий ер майдони 12,5 га.
***Бошланғич баҳоси — 35 554 233 000 сўм.***

Юқорида кўрсатиб ўтилган объектларни сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.
Телефон: 95-199-12-21.
Сайт: www.1kms.uz Email: kmsxuz@inbox.uz

# ЁШЛАР — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ ВА ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

◄1

Зеро, юртимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ташкил этувчи ушбу қатламнинг ташаббус ва интилишлари, дунё майдонида "ўзбек" деган номнинг танилиши ва катта марраларни эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаётда жуда кўп муносабатлар бири-бирига боғлиқ. Лекин шундай бир жиҳат борки, у ҳеч нимага бориб тақалмайди. Яъни боғлиқлик мавжуд эмас, ташқи кучлар таъсирига тушмайди. Бу — инсоннинг ички интеллектуал салоҳияти. Ёшлик бор жойда гўзаллик ва жўшқинлик бўлади, ёшлар жамулжам бўлган масканда гўёки ҳамиша баҳор. Шу маънода айтадиган бўлсак, ёшлар миллатнинг табиий зийнатланган қиёфасидир.

Шу боис "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки ёшларимиз билан ишлаш, ўғил-қизлар билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш ҳамда уларнинг истакларини ўрганган ҳолда ўз фаолиятига ўзгартишлар киритишни, қолаверса, ёшлар шижоатига шижоат қўшиш ва келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олган. Таъбир жоиз бўлса, бу иш тутуми "Туронбанк"нинг ўзига хос имижига айланган. Асосийси, бу борада банкда ўрганиладиган томонлар кўп. Оддий мисол, бугун банкнинг қайси филиалига борманг, бир жиҳат эътиборингизни тортмасдан қолмаслиги аниқ. Яъни уларда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг кўпчилиги ёшлар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, айни пайтда шаклланган банк жамоасининг қарийб 40 фоизи ёшлардан иборат. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб эса фикрингиз янада ижобий томонга ўзгаради. Чунки уларнинг барчаси замонавий фикрга, жаҳоний илмга, миллий тарбияга эга Ўзбекистон ёшлари!

Бугун "Туронбанк" АТБнинг республикамиз молия бозорида, банклари орасида ўзининг ўрнига эга бўлаётгани, тақдим этилаётган хизмат турлари ва қулайликлар кўпаяётгани, жамоанинг рақамлаштириш саводхонлиги тобора ошиб бораётгани бежиз эмас. Бунда ёш мутахассисларнинг куч-ғайрати, ишига фидойилиги, билими сабаб бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатдир.



Аслида, ёшлар билан ишлаш осон эмас. Уларнинг ўз қарашлари ва талаблари бор — кўпроқ қулайликни излаш баробарида, моддий жиҳатдан ҳам яхши бўлишни хоҳлайди. Қарангки, "Туронбанк" улар билан "тил" топишган. Юқорида қайд этганимиздек, банк ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга. Тажрибаки, ўрнак олса арзигулик. Гап шундаки, ҳар йили 2, 3 ва 4-босқич талабалари ҳали ўқиш давридаёқ банкка ишга жалб қилинади.

Бунинг учун талаба нима қилиши керак? Аввало, мутахассислигидан ташқари, хориж тилларини билиши, замонавий технологиялардан яхши хабардор бўлиши зарур. Эътиборли жиҳати, ушбу ишлар билан банк раҳбарининг шахсан ўзи шуғулланади. Яъни талабгорлар банк раҳбарининг яккама-якка суҳбатидан ўтиш баробарида, махсус тест ҳам топширадилар. Шундан сўнг ижобий жавоб олган талаба ишга қабул қилинади. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бинобарин, бугун юртимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг етук ва билимли мутахассис бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. "Туронбанк" томонидан амалга оширилаётган ишлар эса ана шу ислоҳотларга муносиб жавоб бўлмоқда, десак, муболаға эмас.



Хушхабарнинг қаноти бор, дейишганидек, банк ташаббуси тезда оммалашиб, ёшлар томонидан мурожаатлар кўпайгани фикримиз тасдиғидир. Яъни 2018 — 2020 йиллар давомида 600 га яқин ёшларнинг билим ва кўникмалари текширилиб, улардан 171 нафардан зиёди банк фаолиятига жалб этилди. Аҳамиятлиси, ишга олинган талабалар ўқишини тўхтатмайди — бир вақтнинг ўзида ҳам ишлайди, ҳам ўқийди. Бунинг учун банкда шароит яратиб берилган. Айни чоғда, ёш мутахассисларнинг тажрибаларини ошириб бориш чоралари кўрилади. Хусусан, турли ўқув-семинарлар ва раҳбарият билан очиқ мулоқотларнинг мунтазам ўтказиб турилиши уларнинг касбига бўлган меҳрини янада ошираётгани рост.

Шу йилнинг 22 декабрь куни шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Банк ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарияти банк тизимида меҳнат қилаётган ёшлар билан жонли мулоқот қилди. Муҳокамаларда ёш мутахассисларни қийнаётган масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, янги ғоя ва таклифлар ўртага ташланди.

"Туронбанк" АТБ бошқаруви раиси Чори Мирзаевнинг таъкидлашича, бугунги ўзгаришлар, айниқса, банк-молия соҳасига янги "ноу-хау"ларнинг кириб келиши билан жадаллашмоқда. Трансформация жараёнларининг бошлангани, жаҳон молия бозорига кириб борилаётгани барчани, кўпроқ ёшларни ўз устида ишлашга, хорижий тилларни мукаммал ўрганишга, чет эл молия муассасаларининг амалиётларини яхшироқ ўзлаштиришга ундамоқда. Тез суръатларда ўсиб бораётган айни тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда "Туронбанк" тизимида ёш ходимларнинг билим ва кўникмаларини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, банкда рус ва инглиз тиллари бўйича махсус тўгараклар ташкил этилган бўлиб, йил давомида бир неча бор билимли, ташаббускор ходимлар ўртасида инглиз, рус тиллари ва математика фани бўйича олимпиада ҳамда билимлар беллашувлари ўтказилади. Эътиборлиси, бу беллашувларда қарийб барча ёш ходимлар фаол иштирок этмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Алишер Саъдуллаев эса "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ва унга мувофиқ ташкил этилган Агентлик фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди. Унинг сўзларига кўра, мақсадга эришиш учун, энг аввало, ёшлар ўзлари учун муҳим бўлган асосий жиҳатларни белгилаб олишлари керак. Мана, масалан, банкирлар учун аниқ фанларни доимий такрорлаб бориш, чет тилини мукаммал билиш, иқтисодий ва молиявий мавзулардаги адабиётларни кўп мутолаа қилиш муҳим. Зеро, ҳар қандай инновация ва янгиликнинг замирида тинимсиз меҳнат ва илмнинг ўрни аҳамиятли.

Реклама ўрнида

Шунингдек, ёшлар лидери "Туронбанк" билан ҳамкорликда ташаббускор ўғил-қизларнинг стартап лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш кераклигини қайд этди. Бу борада давлатимиз яратиб бераётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Айтиш жоизки, учрашув жуда самимий ва конструктив руҳда ўтди. Онлайн шаклда ўтказилганлигига қарамасдан очиқ мулоқот савол-жавобларга, мулоҳазаларга бой бўлди. Ёш ходимлар банк фаолиятини янада яхшилаш, замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, мавжуд тизимларни мукаммаллаштириш бўйича ўзларининг таклиф ва тавсияларини бердилар.

## Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш мумкин



*Айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг учинчи босқич талабасиман. "Туронбанк" АТБга ишга кириш учун Бошқарув раиси суҳбатидан ўтиб, тест синовларини муваффақиятли топширдим. Ўқишим учун контракт тўлови ҳам банк томонидан тўлаб берилди. Бундан ташқари, тил ўрганамизми, тажриба алмашамизми, малака оширамизми — ҳаммаси истаганимиздан ҳам аъло тарзда муҳайё этилмоқда.*

*Банкимизда битта анъана бор, яъни мунтазам равишда ёшлар ва мамлакатимизнинг илғор қатлами вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Бу учрашувларда биз ўзимизни қизиқтирган фикр ва таклифлар билан иштирок этамиз. Қолаверса, "Ёш китобхон" танловлари ҳам ўтказилади. Унда фаол қатнашганлар муносиб тақдирланади. Мен ўз ҳамкасбларимни мамлакатимиздаги энг китобхон банк ходимлари, деб атаган бўлар эдим.*

**Сабина РУСТАМОВА,**
**«Туронбанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармаси бухгалтерия ҳисоби мутахассиси.**

## Очиқ мулоқотда ҳар қандай муаммога ечим топилади



Психологлар фикрига кўра, самимийлик, очиқлик ва дилдан қилинган суҳбат, ҳар қандай муаммога ечим топишда асосий омил бўлади. Айниқса, раҳбарият олдида ўз ташаббус ва таклифларини илгари суриш оддий бир мутахассис ходимга ҳар доим ҳам насиб этавермайди. Жамоа аъзоларининг қарийб 40 фоизини ёшлар ташкил этувчи "Туронбанк" АТБ Бошқарув раиси билан бўлган учрашув бундай чекловлардан холи тарзда, ғайратли ёш банкирларнинг қизғин савол-жавоблари билан эсда қоларли бўлди. Қарийб икки соат давомида иштирокчилар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда истеъдодли ўғил-қизларга яратиб берилаётган имкониятлар, хусусан, банк-молия соҳасига етук кадрларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди. Фаолиятда мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича ёшларнинг таклифлари маъқулланди. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда беш ташаббус доирасида банкда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Бир неча йиллардан буён "Туронбанк" АТБ тизимида фаолият юритиб келаман. Сўнгги икки йилда Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти раҳбари сифатида ишладим. Бошқарув раисининг ёшларга қаратаётган эътибори натижасида айни вақтда раис ўринбосариман. Ёш бўлсам-да, менга ишонч билдирилди ва бу, албатта, икки карра масъулият юклайди.

**Дилшод РУСТАМОВ,**
**«Туронбанк» АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари.**

## Бу жуда катта имконият

2017 йилда "Туронбанк" АТБ Марказий амалиёт бошқармасига бош мутахассис бўлиб ишга қабул қилинганман. Бир қарашда, бу жуда осондай туйилади. Бироқ юзлаб ёшларнинг орасида билими туфайли ғолиб бўлиш, банк раҳбариятининг ишончини қозониш, кўплар учун ҳали орзулигича қолиб кетаётган бўлиши мумкин. Бунга эса фақат билим ва интилиш билан эришилишига ўзимдан қиёс.

Айни чоғда вилоятларда ташкил этилаётган семинарлар, ички интеллектуал ўйинлар, жаҳон стандартларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш мақсадида банкимизда бепул тарзда инглиз ва рус тили курсларининг ташкил қилиниши бизни мамнун этади. Мен ўзим ушбу курсларда ўқиб, инглиз тили бўйича махсус сертификатга эга бўлдим. Асосийси, ёшларга қаратилаётган эътибор мени ҳам четлаб ўтмади. 2018 йилда Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ривожланган давлатлар молия муассасалари курсини битирдим. Бу мен учун жуда муҳим ва катта сабоқ бўлди. Ўқиб-ўрганган билимларни эса бу ердаги фаолиятимизда татбиқ этмоқдаман. Бу ҳам биз, ёшлар учун берилган катта имконият деб биламан.



**Раҳимжон МАҲМУДОВ,**
**«Туронбанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармаси, пул муомаласи ва чакана хизматлар бўлими бошлиғи.**

## Орзуимдаги ишга қабул қилиндим



Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг иккинчи босқич талабасиман. Мамнуният билан айтишим керакки, ўтган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Чунки орзуимдаги ишга кирдим.

Албатта, фарқланиш учун барча асослар бор. Бироқ менинг ва бошқа кўплаб ёшларнинг муваффақиятимизда "Туронбанк" раҳбарияти ва ходимлари жуда катта роль ўйнаган. Ходимлар танлови мамлакатимиздаги турли университетлар ёшлари ўртасида бўлиб ўтди. Ҳар бир иштирокчида кучли ҳаяжон бор эди. Аммо конкурс жараёни жуда қизиқарли ва адолатли бўлди. Танловда яхши натижаларга эришганимдан сўнг, 2020 йил январь ойида аҳил жамоа, яхши хулқли ҳамкасблар қуршовида ўз ишимни бошладим. Ҳозир эса банк раҳбарияти ва ходимлари қўллаб-қувватлаши билан, ўқиш ва ишимни битта нуқтада бирлаштира оламан. Шу билан бирга, ўз келажагимнинг ёрқин бўлишига ишонаман.

**Рушана АЙТМУРОДОВА,**
**Халқаро банклараро амалиётлар бўлими мутахассиси.**

*Таъкидлаш лозимки, "Туронбанк" АТБ 2017 йилдан буён Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги) аъзолигига қабул қилинган бўлиб, ўғил-қизларнинг фаоллиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унинг ижроси доирасидаги ишлар эса узлуксиз амалга оширилмоқда. Бунинг самараси эса банкда меҳнат қилаётган ёшлар билан суҳбат жараёнида яққол сезилади.*

*Ёшларнинг ёниб турган кўзлари, сўнмас шаҳду шижоати уларнинг эртанги кун билан боғлиқ орзу-ҳавасларига қанот бахш этаётгани айни ҳақиқат. Зотан, гулнинг гўзаллиги уруғидан, инсоннинг ҳусни эса қалбидандир, дейишади файласуфлар. "Туронбанк"нинг қалби қайноқ, ишга чанқоқ ёш мутахассислари кун келиб миллат қиёфасига айланса, не ажаб!*

*Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг эртанги тараққиётини унинг кучли ақл ва салоҳиятга эга, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган ёшлар белгилаб беради. Улар глобал ривожланишнинг барча соҳа ва тармоқларига ҳаётбахш куч бағишловчи шиддатли локомотив ҳамдир.*

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.10 Топширилди — 04.50 1 2 3 4 5 6